

Дин ва дунё



09:29 / 12.09.2018 7658

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ дунёни яхши кўрган одамига ҳам, яхши кўрмаган одамига ҳам беради. Динни эса фақат яхши кўрган одамига беради»**, дедилар» (Бухорий «Адабул муфрад»да ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилишган. Ҳоким «Мустадрак»да саҳиҳ деган, Заҳабий бунга қўшилган).

Кўпчилик инсонлар бу ҳақиқатни яхши англаб етмай, ҳамма нарсага мол-дунёни тарози қилиб олишади. Ҳатто Аллоҳга итоат қилиб юрган фақир киши билан Аллоҳга осий бўлиб юрган бойни кўришса, «Аллоҳ бойни яхши кўргани учун унга берган-да», дейишади. Аслида Аллоҳ биринчи одамни, яъни Ўзига итоат қилган фақирни осий бандадан афзал қилиб қўйганини, кўнглига рушду ҳидоят солиб, Ўзига тоат қилиш бахтига мушарраф қилганини билишмайди. Аллоҳ кофир ёки осий одамга мол-дунё берса, уларни яхши кўриб, рози бўлгани учун эмас, балки уларни ҳалокат сари етаклаш учун берган бўлади.

Аллоҳ таоло: **«Уларга мол-дунё ва фарзандлар билан мадад бераётганимизни уларга яхшиликларни тезлатиш деб ҳисоблайдиларми? Йўқ! Улар сезмаслар»**, деган (Муъминун сураси, 55-56-оятлар).

Ва яна: «**Робби инсонни синаш учун икром қилса ва неъматлантирса, «Роббим мени икром қилди», дейди. Робби уни синаш учун ризқини тор қилиб қўйса, «Роббим мени хорлади», дейди. Йўқ!...»** деган (Фажр сураси, 15-17-оятлар).

Аллоҳ таоло «**Роббимиз, бизга дунёда ҳам, охирада ҳам яхшилик бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин»**, деганларни Ўзининг улуғ Китобида мадҳ этган (Бақара сураси, 201-оят).

Абу Атоҳия айтади: Дин ва дунё бирлашса, нақадар гўзал! Куфр ва касод эса нақадар хунук!

Аллоҳим! Бизга ҳаром ўрнига ҳалол насиб қилиб, маъсият ўрнига тоат насиб қилиб кифоя қилгин. Ўз фазлинг ила Ўзингдан бошқаларга муҳтож қилмагин... Дунёни энг катта қайғумиз қилмагин, илмимизнинг етган жойи қилмагин. Дунё қалбимизда эмас, қўлимизда бўлсин, чунки қалбни дунё муҳаббати эгаллаб олса, асир қилиб олади.. Дунёга муҳаббат эса ҳар бир хато ва гуноҳ йўлининг бошидир.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси